



HISTORICAL STUDY OF THE ISSUE OF WOMEN'S LIBERATION

Nigorakhan Usmonjanovna Ismoilova*Teacher of Namangan state university**Namangan, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Women's liberation, historiography, Turkestan, soviet period, "Khujum" movement, traditionalism and change, socialist modernization, local women's history, ideological analysis, women's movement.

Received: 08.08.25**Accepted:** 09.08.25**Published:** 10.08.25

Abstract: This article provides a historical and historiographical analysis of the study of the issue of women's liberation in Uzbekistan in the 20s-30s of the 20th century from a historiographical perspective. The author comprehensively examines the coverage of women's issues in the first historical studies of 1925-1940, party press, and mass publications. The article analyzes the essence of the "Khujum" movement, women's labor in agriculture, participation in industry and education, the characteristics of Soviet scientific research under ideological influence, and objective historical approaches after independence. The positive and negative effects of the authoritarian regime's policy of combating national, religious and cultural values on women's lives are shown. At the same time, the article also raises as a scientific problem such understudied topics as the difference between local and European women in Turkestan, social stratification, and the concept of "traditionalism and change" in women's activism. The author emphasizes the need to reassess the topic based on new historical thinking and ideas of national independence.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ОЗОДЛИГИ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Нигорахон Усмонжановна Исмоилова*Наманган давлат университети ўқитувчиси**Наманган, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Хотин-қизлар озодлиги, историография, Туркистон, совет даври, “Хужум” ҳаракати, анъанавийлик ва ўзгаришлар, социалистик модернизация, маҳаллий аёллар тарихи, мафкуравий таҳлил, аёллар ҳаракати.

Аннотация: Ушбу мақолада XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлиги масаласининг тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилишига бағишланган тарихий ва историографик таҳлил берилган. Муаллиф 1925–1940 йиллардаги илк тарихий тадқиқотлар, партия матбуоти ва оммавий нашрларда аёллар масаласи қандай ёритилганини кенг қамровда кўриб чиқади. Мақолада “Хужум” ҳаракатининг моҳияти, кишлоқ хўжалигида хотин-қизлар меҳнати, саноат ва маориф соҳаларидаги иштироки, мафкуравий таъсир остидаги совет илмий-тадқиқот ишларининг хусусиятлари, ҳамда мустақилликдан кейинги ҳолис тарихий ёндошувлар таҳлил қилинади. Мустабид тузумнинг миллий, диний ва маданий кадриятларга қарши кураш сиёсатининг хотин-қизлар ҳаётидаги ижобий ва салбий таъсирлари кўрсатилади. Шу билан бирга, мақолада Туркистонда маҳаллий ва европалик аёллар ўртасидаги фарқ, ижтимоий стратификация, аёлларнинг фаоллашувидаги “анъанавийлик ва ўзгаришлар” концепцияси каби кам ўрганилган мавзулар ҳам илмий муаммо сифатида кўтарилади. Муаллиф янги тарихий тафаккур ва миллий истиқлол ғоялари асосида мавзуга қайта баҳо бериш зарурлигини таъкидлайди.

ИСТОРИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ ОСВОБОЖДЕНИЯ ЖЕНЩИН

Нигорахон Усмонжановна Исмаилова

*Преподаватель Наманганского государственного университета
Наманган, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Женское освобождение, историография, Туркестан, советский период, движение «Худжум», традиционализм и перемены, социалистическая модернизация, местная история женщин, идеологический анализ, женское движение.

Аннотация: В статье представлен историко-историографический анализ изучения проблемы женского освобождения в Узбекистане в 20-30-е годы XX века с историографической точки зрения. Автор всесторонне рассматривает освещение женской проблемы в первых исторических исследованиях 1925-1940 годов, партийной прессе и массовых изданиях. В статье анализируются сущность движения «Худжум», женский труд в сельском хозяйстве, участие в промышленности и образовании,

особенности советских научных исследований под идеологическим влиянием, а также объективные исторические подходы после обретения независимости. Показаны позитивные и негативные последствия политики авторитарного режима по борьбе с национальными, религиозными и культурными ценностями для жизни женщин. В то же время статья поднимает в качестве научной проблемы такие малоизученные темы, как различия между местными и европейскими женщинами Туркестана, социальная стратификация и концепция «традиционализма и перемен» в женском активизме. Автор подчёркивает необходимость переосмысления этой темы на основе нового исторического мышления и идей национальной независимости.

1925-1940 йиллар орасида, яъни республика тарихий фанлар ва архив ишларининг дастлабки марказлари пайдо бўлган ҳамда тарихчи кадрлар, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида маълум ютуқларга эришилган даврда социалистик қурилиш тарихи изчиллик билан ўрганила бошланди. Табиийки, бу хотин-қизлар озодлиги масаласини историкографик ўрганиш борасида ҳам сифат жиҳатдан янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон Компартиясининг атоқли арбоби А.Икрамовнинг китоби [1] масалани историкографик ўрганиш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади. Унда хотин-қизлар масаласининг долзарб томонлари ҳар жиҳатдан ёритилади, кескин, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларга ўз вақтида жавоб берилди.

Чор Россияси даврида В. Наливкин Туркистонга хизматга жунатилгач, Наманган уезд бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаб нафақага чиққач, Наманган уездининг Нанай қишлоғида ўз оиласи билан яшаб, ўнлаб китоблар ёзди. Унга рафиқаси М. Наливника атрофлича ёрдам берди. Улар тадқиқ қилган китобларда [2] мустамлакачилик даврида Фарғона водийсидаги маҳаллий хотин-қизларнинг турмуш шароити ҳақида қизиқарли маълумотлар бериши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида маҳаллий миллат хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни масаласи асосан, хотин-қизлар ҳаракатининг фаоллари томонидан илмий ўрганилган. “Хужум ” йилларида “хужум”, яъни Ўзбекистон хотин-қизларининг озод этилиши яги босқичнинг энг актуал масалалари буйича кўплаб турли мақолалар юзага келди. Уларнинг муаллифлари хотин-қизлар бўлимларининг маъориф ходимлари, ўзбек хотин-қизлари озодлиги ҳаракатининг жонқуяр тарғиботчилари эди. Д.Алимованинг

рисоласида [3] ўзбек хотин-қизлари ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг адабиётларда, матбуотда ёритилиши мазкур муаммонинг ҳамон долзарб эканлиги билан ажралиб туради.

1920 йиллардан кейин хотин-қизлар озодлиги, турмуш тарзи ҳамда меҳнат шароитига бағишланган илмий-оммабоп ишлар пайдо бўлди. С.Т. Любимованинг асари Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлиги масаласининг ҳал этилиши тарихига бағишланган илк тадқиқотларидан бири эди. В. Каспарова, А.В. Алматинская-Зеленина, Н.А. Смирнова, В.С. Москалёв, А.Чернишева, Э. Муҳиддиноваларнинг асарларида [4] хотин-қизлар озодлиги муаммолари билан биргаликда биринчи бор Шарқ хотин-қизлари масаласи тарихига эътибор берилди.

Бундан ташқари, уларда бой романтик материаллар тўплангандир, бу асарлар ҳали жиддий назарий ҳулосалардан узоқ бўлсада, бироқ мавжуд муаммони тарихий ва юридик жиҳатдан ўрганиш борасидаги илк тадқиқотлар эди. Шунингдек, уларда Ўрта Осиё хотин-қизлари озодлиги ҳаракатининг актуал масалалари ёритилган эди. Э.Миловидованинг К.Цеткин сўзбошиси ва таҳрири остида чиққан китоби [5] масалани тадқиқ этишга бағишланган ўша даврдаги асарлар орасида энг самаралиси эди. Бу ишда жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг тараққиёт тарихи ўз даврига нисбатан анча чуқур ёритилган. Китобда Шарқ хотин-қизлари орасида олиб борилиётган ишларга махсус бир боб бағишланган.

Хотин-қизларнинг республика саноати тараққиётидаги иштироки совет партия матбуотида анча кенг ёритиб берилди.

Давидова, Волъний, Зайко ва бошқаларнинг мақолаларида [6] саноатда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш қулай ва рентабелли эканлигини аниқлаш масалаларини анча чуқур тадқиқ этишга уриниш сезилади. Масалани ҳал этиш жараёнида болали оналарни ишлаб чиқаришга жалб этишга имкон туғдириш учун уларга зарур турмуш шароитларни яратиш ҳам алоҳида эътиборга олинди. Аммо, хотин-қизлар меҳнати муаммоси ҳали чуқур, тўла ва атрофлича ўрнатилмаган, умумлаштирилмаган эди. Ўша давр характери ҳукмронлигини бу ишларда куриш мумкин.

Д.М. Рудницкая республикадаги мавжуд барча саноат тармоқларидаги тегишли маълумотларни ўрганиб чиқди ва хотин-қиз кадрларнинг ўсиш даражасини кўрсатади [7]. Ер-сув ислохотининг хотин-қизлар озодлиги йўлидаги аҳамиятини жиддий ўрганишга ўриниб кўрган муаллифлардан бири Е.А. Зельнина бўлди. Унинг китоби [8] ўз вақтида яратилган муҳим асар бўлиб қишлоқ хўжалигида хотин-қизлар меҳнатини ўз даврига нисбатан бирмунча чуқур ўрганиш натижасида юзага келди. Унда агар минглаб хотин-қизлар қишлоқ хўжалигига жалб этилса, пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа тармоқлар кенг имкониятларга эга бўлиши мумкинлиги очиб берилди. Бироқ бу асар камчиликлардан ҳам холи эмасди. Жумладан, 1925 йилгача қишлоқ хотин-қизларининг ахволи инқилобгача

бўлган даврдаги аҳволга нисбатан деярли ўзгармаган, фақат ер-сув ислохотигина бу борада том маънодаги инқилоб бўлди, деб таъкидлайди. Муаллифнинг сўнгги хулосаси тўғри, бироқ у инқилобнинг биринчи куниданок ўзбек хотин-қизларининг турмуши тубдан ўзгарганлиги, яъни уларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлганлиги, инқилобдан кейин ўтказилган аграр ўзгаришлар бевосита уларга ҳам тегишли эканлиги каби муҳим фактларни эътиборга олмайди. Маҳаллий аҳоли хотин-қизлари орасида коммунистик партия олиб борган ишларнинг муҳим босқичи муаллиф китобида асоссиз инкор этилади.

Коллективлаштириш йилларида республика қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришга хотин-қизларни жалб этиш борасидаги актуал масалалар кўтариб чиқилган кўплаб нашрлар юзага келди [9]. Унда қатор хўжаликларда хотин-қизлар меҳнатидаги юқори кўрсатмаларга қарамадан баъзи хўжалик раҳбарлари улардандала ишларида етарли даражада фойдаланмаганлигини, меҳнатга ҳақ тўлаш нормалари пасайтириб белгиланаётганлиги ва шу каби камчиликлар очиб ташланган. Аммо, уларда ҳам ўша давр муаммоларга эътибор чуқур қаратилмаганлигини кўриш мумкин.

Мустабид совет тузуми давридаги бир қатор мақола ва рисоаларда маҳаллий миллат хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга жалб қилиниши бир ёқлама, синфийлик нуқтаи назаридан ёритилиб, совет ҳокимияти сиёсатини улуғлаш мақсадларига хизмат қилган. Ушбу адабиётларда соҳта коммунистик мафкуранинг сиёсий тизимдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги “ инқилобий ўзгарувчи” ролини кўрсатишга зўр бериб уринилган ва фақат ижобий баҳоланган. Тадқиқ этилаётган даврни айрим томонларини собиқ совет мамлакати миқёсида тадқиқ қилган асарлар ҳам “коммунистик” мафкура асосида тадқиқ қилинган бўлсада ишда танқидий нуқтаи назардан фойдаланилади. Жумладан. Р.И. Максимова, В. Бильшай, Б.П. Пальванова, Г.М. Грамовалар китоблари [10] тадқиқи ўша жамланмалар сирасига киради.

Ўзбекистонда хотин-қизларни “социалистик” қурилишидаги иштироки, аёллар саводхонлиги учун, маданий қурилиш соҳасидаги ҳамда мактаб-маориф, маданият соҳасидаги фаолиятларини ўша давр мафкураси андозасида очиб беришга ҳаракат қилинганлигига қарамай шу учун катта аҳамият касб этувчи Х. Сулайманова, Т. Мельникова, Е. Ершова, Ж. Тожиева ҳамкорлигидаги китоб ҳамда. К. Оқилов, Л. Аббасова тадқиқотларини [11] айтиб ўтиш жоиздир. Академик, Т.Н. Қориниёзов монографияси [12] Ўзбекистон халқларини энг қадимги даврдан “социалистик” тузум даври маданиятининг умумлашган ҳолда тахлили баён қилинганлиги билан алоҳида хусусиятга эгадир. Биз тадқиқ қилиётганиш учун катта манба вазифасини бажариш билан алоҳида хусусиятга эгадир. Унда инқилобгача бўлган ва мустабид совет тузуми даврида “социалистик”

маданият шаклланишида хотин-қизларни иштироки масалалари тадқиқи берилгани билан ўз аҳамиятига эгадир.

Ўзбекистон хотин қизларининг сиёсий, маданий қурилишидаги иштироки ҳақидаги нашрлар, гарчи баъзи авторлар масалани умумлаштириб ўрганишга интилган бўлсалар-да, ҳали асосан фантологик характерга эга эди.

Шу тариқа 20 - 30 йиллар нашрларини историографик, нуқтаи назардан ўрганиш бу муаммога боғлиқ билимларнинг аста – секинлик билан ривожланиб бориши жараёни ҳақида тасаввур пайдо қилади ва у совет Ўзбекистонидида тарих фанининг илк босқичи ҳамда унинг тарихий замин ҳақидаги муҳим ва салмоқли саҳифаларидан бири бўлиб хизмат қилади [13]. Бу даврдаги манбалар ва адабиётлар тадқиқотчиларни хотин-қизларни озод этиш борасида ва ўша даврда жамиятнинг ижтимоий стратификациясида аёллар ферменти : анъанавийлик ва ўзгаришлар масаласини ёритишда асосий манба бўлиб қолади.

О.В. Горшунова, А. Джалилов китобларидаги [14] тадқиқотлар орқали ишда Мусулмон динининг тарқалиши хотин-қизларнинг ҳаётида ҳам туб ўзгаришларга сабабчи булганлигини, бу жараён давомида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, турмуш тартиблари ва моддий-маънавий жихатларига аниқлик, мантиқий таянчларни аниқлаш орқали аёллар аҳволини аянчли эканлиги тадқиқини кўрамиз.

Мавзуни ёритишда алоҳида тўпламларнинг ўрни катта бўлиб, улардан ислом ва шарқ аёллари тўпламида [15] Саудия Арабистони, Покистон, Туркия, Ироқ, Афғонистон, Ўрта Осиё мусулмон аёлларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти масалаларини тадқиқига бағишланган бўлиб, бу тўплам ўрганилаётган даврида жамиятнинг стратификациясида аёллар ферменти: анъанавийлик ва ўзгаришларда Ислом динини ўрнини кўрсатиб берувчи муҳим манбалиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, коллектив муаллифликдаги шарқ аёллари тўплами [16] Шарқ мамлакатларида аёллар турмуш тарзи ва аёл ёзувчи, шоиралари ҳаёти, аёл публистларнинг журнал ва оммавий ахборот воситаларидаги ўрни ижоди таҳлил қилиб берилган. Р.Найдуллаева ва Р.Крумалар редакторлигидаги тўплам [17] тадқиқи хотин-қизларни социал-иқтисодий ва турмуш тарзи, мамлакат ҳаётида иштироки статистик рақамларни ёритиб бериш билан ажралиб туради.

Шунингдек, хотин-қизлар фаолиятига доир турли йилларда ўтказилган илмий-назарий конференциялар [18] ва ўқилган турли-туман илмий маърузалар ҳам ўрганилиётган даврда аёлларнинг жамиятдаги ўрнини таҳлил этишда ва улардан танқидий нуқтаи назардан фойдаланишда ёрдамчи манба вазифасини бажаради.

М. Василова китоби [19] тадқиқ қилинган даврнинг инқилобгача бўлган Ўзбекистон аёлларининг ҳаётини, турмуш тарзини, анъанаси тадқиқи билан ажралиб туради. Аммо,

китоб камчиликлардан холи эмаслиги “социалистик” мафкура асосида тадқиқ қилинганлигини кўрамыз.

1950 йиллардан бошлаб, хотин-қизлар масаласи илмий-тадқиқот иши сифатида ўрганила бошланди. Бироқ, бу тадқиқотлар асосан фанталогик характерга эга бўлиб, хотин-қизларнинг паранжини ташлаш билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларнинг баёнидан иборат эди. Шу билан бирга, муаллималар томонидан бир қанча муҳим масалалар жумладан маҳаллий аҳолининг хотин қизлар “озодлиги” га қарши бўлган мухолифатчи қисми, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги янги тушунчани патриархал имтиёз кучли бўлган анъанавий турмуш тарзига сингиши қийин кечганлиги ҳақидаги фикрлар билдирилмади. Аксарият тадқиқотларда хотин-қизлар “озодлиги” учун ҳаракат силлиқ, бир маромда, режа асосида, қийинчиликларсиз олиб борилганлиги ифода этилган [20].

1960 йилларда ҳам хотин қизлар масаласи билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш янада чуқурлашди ва илмий мақолалар, номзодлик, докторлик диссертациялари ҳамда монографиялар яратилди. Улар кенг архив материаллари ва манбавий адабиётлар асосида яратилган биринчи умумлашган ишлар бўлса-да, ягона сиёсий мафкура қолпида ёзилган бўлиб, кўп муҳим масалаларини моҳияти сохталаштирилган эди.

1970 йилларда Ўрта Осиё республикаларида аёллар масаласининг “ хал қилиниши” тарихини ўрганиш фаоллашди. Жумладан, Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий аҳволи ва хотин-қизлар ҳаракати масалалари Х.С. Шукуров, Р.Х. Аминова ва бошқа тарихчиларининг тадқиқотларида ўз ифодасини топган [21]. Аммо, бу даврдаги адабиётларда ҳам қатор камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Жумладан, Ўрта Осиё хотин-қизларини озодликка чиқаришда мавжуд тузум миллий урф-одатлар, анъанавий қадриятларга эътибор бермай, камситилганлиги, зуравонлик усуллари қўлланганлиги, саноатлаштириш ва жамолаштириш сиёсати салбий оқибатларининг хотин-қизлар турмушига таъсири ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ўрта Осиё хотин-қизларининг ўзига хос ижтимоий муаммолари, уларнинг оғир аҳволи ҳақидаги масалалар фақат, асримизнинг 80 йиллари охирига келиб ўртага ташланди.

Советлар даврида нашр этилган адабиётларнинг илмий-танқидий таҳлили қуйдаги ҳулосаларга келиш имконини беради:

-Шу пайтгача яратилган тадқиқотларда тарихий воқеаларни акс эттирувчи бой романтик материаллар тўпланди ва умумлаштирилди, аммо, тадқиқотларнинг барчаси мафкуравий сиёсат ҳукмронлиги даврида ёзилган бўлиб, уларда ўша даврдаги ҳукмрон мафкуранинг кучли таъсири сезилиб туради;

-Ўрганилаётган масалалар коммунистик мафкура тазйики остида расмий андозага айланган қарашлар нуктаи назаридан бир ёқлама ёритилган ва ниҳоятда сиёсатлаштирилган:

-совет ҳукумати томонидан хотин-қизлар масаласининг “ҳал этилганлиги” ҳақидаги ғайри-илмий ҳулосали асослаш, миллий, диний, анъанавий қадриятларга қарши кураш ғояси тадқиқотлар моҳиятини ташкил этган ;

XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида жамиятнинг ижтимоий ҳаётида аёллар ферменти: анъанавийлик ва ўзгаришлар мукамал алоҳида тадқиқ қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейингина ҳолисона илмий таҳлилга кенг имкониятлар очиб берилди. Мустабид тузумининг инқирозга юз тутиши, марксистик методологиянинг рад этилиши, миллий маънавиятнинг тикланиши Ўзбекистон тарихини ёритишга ҳақиқий илмий, сиёсатдан холи бўлган муносабатларнинг шаклланишига, шу жумладан, совет ҳокимиятининг маҳаллий миллат хотин-қизларига муносабатида тарихий ҳақиқатнинг тикланишига имкон берди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мазкур масалани тарихчилардан Р. Х. Аминова, Д. Алимова миллий истиқлол ғояси асосида бугунги кун нуктаи назаридан тадқиқ этди [22].

Жумладан, Р.Х. Аминова “Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишининг долзарб муамолари” [24] номли рисоласида аёлларнинг олий умумтаълим даражаси уларнинг касбий машғуллигига мос келмаётганлиги, уларнинг кам малакали ёки малакасиз меҳнат билан машғуллиги эркакларга нисбатан ортиқ эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади. Жумхурият саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши мамлакатга нисбатан юқори. Республика Саноатида қўл меҳнати салмоғи 35,3 фоизни ташкил этса аёллар орасида эса 42,5 фоиздан иборат бўлди. Ўз-ўзидан кўриниб, турибдики, ўрганилаётган даврни бу ҳолатлари колониал ва совет адабиётларида ҳозирги тадқиқ қилинмаган муаммолардан биридир.

Д.Алимова ўз монографиясида [24] илк бор кенг қамровли манбалар асосида хотин-қизлар муаммосини танқидий ўрганган. Унда Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни тарихшунослик нуктаи назаридан ёритиб берилган. Шунингдек, олима хотин-қизлар масаласида фақат “Хужум” ҳаракати янғича баҳоланганлигини, бироқ унинг тарихи ва “аёллар кооперацияси” масаласи, 1925-29 йиллардаги ер-сув ислохотининг хотин-қизлар эмонсипациясидаги роли, ушбу йўналишидаги жамоат ташкилотларининг фаолияти, ижтимоий ишлаб чиқаришга хотин-қизларни жалб қилиш, хотин-қизларнинг аҳволига қишлоқ хўжалигининг жамоалаштириш сиёсатининг таъсири янги типдаги хотин-қизларнинг шаклланиши билан маданий

ривожланишининг ўзаро алоқадорлиги каби масалалар миллий истиқлол мафкураси асосида ўрганилиши долзарблигига қолганлигини таъкидлайди [25].

Ўзбекистон мустақилликка эришиши 90-йилларнинг иккинчи ярми ва 2000 йилларда янги тарихий тафаккур руҳида, янги ёндошув ва методология асосида тарих фани ва ижтимоий фанларининг яъни, иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ сингари деярли ҳамма соҳаларида аёллар аҳволини ўрганишга эътибор қаратилиб, хотин-қизлар масаласига оид бир қатор докторлик диссертациялари ҳам химоя қилинган. Ушбу диссертацияларда тадқиқ этилаётган даврдаги совет ҳокимиятининг хотин-қизларга муносабатининг мустамлакачилик моҳияти миллий истиқлол ғояси асосида, илмий таързда, холис ёритиб берилган. Лекин бу тадқиқотларда муаммонинг айрим жихатларигина ўз ифодасини топган.

Я.А. Абдуллаеванинг “Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари)” номли махсус монографияси ва мақолаларига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиз, чунки, уларда архив ҳужжатларига асосланган илмий хулоса ва кенг маълумотлар берилган [26]. У ўз монографиясида совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин-қизлар ўртасида олиб борган сиёсатининг қарама-қарши характерга эга булганлигини, ижобий ва салбий аҳамият касб этганлигини, улар орасида иш олиб боришнинг махсус иш услублари, шакллари, механизмлари мажмуи яратилгани биринчи бўлиб аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берган. Советлар ва Коммунистик партия томонидан олиб борилган ишларнинг таснифини яратган.

М.Тўхтаўжаева ўзининг хотин масаласига бағишланган “Ўтмиш толиқтирган аёллар” асарида хотин-қизлар аҳволининг яхшиланиши жамиятга фақат ижобий таъсир кўрсатди, деб таъкидлайди.

“Бугунги кун хотин-қизларини жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларга аввалгидек интилаётганини ҳеч ким инкор этмайди. Кечагина совет мактаблари ва универстетларида ўқиган хотин-қизлар бугунга келиб ўзининг интеллектуал ва таълим солохиятини танлади”,-деб ёзади. Олима хотин-қизлар масаласининг давлат сиёсти даражасига кўтарилишини тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади [27].

Кейинги йилларда тарихчи олимларимиз томонидан республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқларини тарихини ёритишга катта имкониятлар яратилди. У тадқиқотларда табиийки, биз тадқиқ қилаётган хотин-қизлар фаолиятига ҳам тўхталганликлари ижобий ҳолдир. Жумладан. Э.Мирзалиев, М.Базарова, Э.Хайитбоев, Ю.Қирғизов, Т.Акрамовлар тадқиқоти [28] мавзу учун янги маълумотлар бериши билан аҳамиятли.

Мустақиллик йилларида чоп этилган асарлар ичида тарих фанлари доктори, профессор А.Н. Расулов, сиёсатшунослик фанлари доктори Т.Файзуллаевлар масъул муҳаррирлигидаги тўплам [29] ва унга киритилган илмий мақолалар мустақиллик нуқтаи

назаридан тадқиқ қилинган бўлиб мавзуни ёритилишида керакли манба сифатида ажралиб туради.

Чор Россияси даврида улканинг иқтисодий ва маданий ҳамда халқларнинг турмуш шароитини, шунингдек ўлкада хотин-қизлар соводхонлиги борасида Россиядан келган зиёли аёлларнинг фаолияти ҳақида қимматли маълумотларни иш учун берувчи тадқиқотни маҳаллий олимлар томонидан чоп эттирилиши мустақиллик йилларида тарихимизнинг очилмаган саҳифалари тўлдирилиётгандан нишонадир. Бундай ишлар жамламасига И.Ю. Юсупов, Э.Ю. Мирзалиевлар ҳамкорлигида яратилган китобни [30] киритиш мумкин. Аммо, бу асар ҳам ўрганилаётган муаммо учун бир ёқлама ёрдамчи ҳисобланади.

Ана шу дастуриламалга амал қилган ҳолда, юқоридаги манбаларни таҳлили қуйдаги ҳулосага келишимиз мумкин :

- XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида жамиятнинг ижтимоий стратификациясида аёллар ферменти : анъанавийлик ва ўзгаришлар масаласи ҳозирги қадар ўрганилмаган ;
- Аҳоли таркибида маҳаллий ва европалик аёллар статистикаси комплекс тарзда тадқиқ этилмаган;
- Туркистонда маҳаллий ва европалик аёллар ўзаро муносабати, ижтимоий ҳолати ва турмуш тарзи қандай кечганлиги кам ўрганилган ;
- Ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар масаласи ва мафкура масаласи, улар нисбатининг бўлиши сабабларини илмий жиҳатдан, янги мафкуравий муҳим ва миллат манфатлари нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган;
- Хотин-қизлар ва демократия масаласини ўрганиш, танлаган мавзу ва белгиланган даврий доира муҳитида хотин-қизларга маъмурий-буйруқбозлик тизимининг салбий таъсири моҳияти аниқланмаган;
- Жамият аъзоларида сиёсийлашган тузумдан бешиш ва ундан бегоналашув ҳолатининг юзага келиши ўрганилмаган;
- Ўрганилган конкрет материалга асосланган ҳолда тўпланган тажрибани назарий жиҳатдан умумлаштириш асосида XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида жамиятнинг ижтимоий стратификациясида аёллар ферменти: анъанавийлик ва ўзгаришлар тадқиқот объекти сифатида танлашга имкон берди.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари даврий доирасидан келиб чиқиб, мазкур масаланинг илмий-назарий жиҳатдан долзарблигини эътиборга олиб, миллий истиқлол ғояси асосида янгича тарихий фикрлаш нуқтаи назаридан XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида жамиятнинг ижтимоий стратификациясида аёллар ферменти: анъанавийлик ва ўзгаришлар масаласини тадқиқ этиш ва умумлаштириш асосий мақсад бўлди. Умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда муаммони тўғри ҳал этиш учун қуйидаги асосий вазифалар белгиланган:

-Чор ҳукумати ва мустабид совет тузуми даврида хотин-қизлар ва уларга муносабат масалаларини моҳиятини очиб бериш ;

-Туркистон маҳаллий аҳолисининг жумладан, аёллар машғулотларини ўрганиш ва ёритиб бериш;

-Совет ҳокимияти ўрнатилгач мамлакатнинг ижтимоий ва маданий жараёнларида аёлларга бўлган муносабатларни таҳлил этиш ;

-Хотин-қизлар ҳаётида иқтисодий ислоҳотлар таъсирида юзага келган ўзгаришларни ўрганиш ;

-Хужум ҳаракатининг моҳияти-мазмунини таҳлил этиш орқали хотин-қизларнинг озодликка чиқишини атрофлича очиб бериш ;

-Хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза этиш муаммолари ;

-Хотин-қизлардан миллий зиёли кадрлар тайёрлаш жараёнлари таҳлили ;

-ўрганилган аниқ материалларга асосланган ҳолда тўпланган тарихий тажрибани умумлаштириш натижасида хулосалар чиқариш, истиқлолнинг ҳозирги босқичида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётга ёрдам берадиган амалий таҳлил ва тавсифлар бериш.

Мазкур мавзу бошқа тадқиқотлардан танланган мавзуга нисбатан янги муносабатда бўлингани билан ажралиб туради. Шунингдек, масала фақат ўша даврни қоралаш билан чекланмайди, аксинча, мазкур давр учун хос бўлган ходиса ва воқеаларга ҳолисона баҳо бериш йўли билан изоҳланади.

Ўрганилаётган даврда жамиятнинг ижтимоий стратификациясида аёллар ферменти: анъанавийлик ва ўзгаришлар масаласини коммунистик мафкуранинг иллатларидан холи тарзда таҳлил қилиниб, мавзунинг ҳозирга қадар бўлган адабиётларда ёритиш даражаси ўрганилди ва фойдаланилган манбадан топилган қўшимча янги маълумотлар асосида бу борадаги бугунгача ноаниқ бўлиб келаётган ва кам ўрганилган масалалар тўлиқ ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга, коммунистик мафкура тазйиқи туфайли ёритиш имкони бўлмаган архив материалларидаги янги маълумотлар асосида чоризм ва советлар томонидан маҳаллий миллат хотин-қизларига муносабатининг мустамлакачилик моҳияти илмий таҳлил қилинди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-мафкуравий нуқтаи назардан амалга оширилган илмий таҳлил эса, танланган муаммони яхлит ҳолатда тасаввур этишга имкон бериш билан мавзунинг илмий янгилигини роли ва аҳамиятини оширади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, республикада хотин-қизларнинг жамият-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ролини кучайтириш асослаб берилган республика Олий мажлис томонидан қабул қилинган

қонунлар, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ишлаб чиқилган дастурлар муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, М. Блок, Л.Февр, Апри Пррения каби классик тарихчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги муаммоларни ўрганиш муҳим тарихий зарурият эканлиги ҳақидаги фикрлари ҳам назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Икромов А. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том, -Т.: Ўзбекистон, 1972. –Б.105-115.
- 2.Наливкин В., Наливкина Н. Фарғона маҳаллий ўтроқ аҳолиси аёллари турмушидан очерклар. Қозон, 1886. -Б.15
- 3.Алимова Д. Хотин-қизлар ҳаёти адабиётларда. –Т.: Ўзбекистон, 1984. – Б.4-5.
- 4.Любимова С.Т. Работа партии среди женщин (Теория и практика работы партии среди женщин) -М.: 1925.; Октябрьская революция и положение женщин в СССР. – М.: Знание, 1967. – С.32; Каспарова В. Шарқ аёли. -Л.: Прибой, 1925.-Б.91; Алматинская-Зеленина А.В. Минг йиллик зулмат узра. Шарқ хотин-қизлари турмушидан очерклар. –Т.: Средазкнига, 1927. –Б.37; Смирнова Н.А. Паранжи. –М.: Безбожник, 1929. –Б.74; Москалёв В.С. Ўзбек аёли. –М.: Охрана материнства и младенчества, 1928. –Б.48; Чернишева А.Октябрь революцияси шарқ аёлига нима берди. –Т.: Средазкнига, 1926. –Б.26; Мухиддинова Э. Революцион қонунчилик ва Шарқдаги турмуш... –М.: Госиздат, 1929. – Б.38.
- 5.Миловидова. Э. Хотин-қизлар масаласи ва хотин-қизлар ҳаракати. Хрестоматия. М.,Л. Госиздат, 1929,Б-509.
- 6.Давидова Ўзбекистон Саноатида хотин-қизлар меҳнати Коммунистка. 1928, 11-сон, 6-67—68; Вольний Саноатда хотин-қизлар меҳнати. (Қаранг паранжи ёнмоқда) М,Т. САОГИЗ.1931. Б-22-27; Зайко саноатда хотин-қизлар меҳнати./Янги йўл,1931.3-сон.Б-5-6; Бокиев Хотин-қизлардан малакали кадрлар тайёрлаш масаласи диққат марказга олиндиши ./Янги йўл, 1932,5-сон. Б-7.
- 7.Рудницкая Д.М. Совет Ўзбекистони хотин-қизлари. Т.:Госиддат.1939, Б.70.
- 8.Зельнина. Е.А. Ер ислоҳоти ва хотин-қизлар озодлиги. С.: Узгосиздат, 1927. Б-40.
- 9.Икромов А. Итоги и перспективы работы по раскрепощению женщин. Доклад на все узбекском совещании женщин работников // Правда Востока 7октября 1927;Его же, Женский вопрос в Узбекистане - Т,: 1926. с.17, Его же. Будьте смелыми и решительными бойцами за культурную жизнь, за подлинное раскрепощение. Т3- Т.1974 с 319-325; Ходжаев Ф. Избр. Труды. Т.1. –Т.: Узбекистан, 1970; Ахунбабаев Ю. Усилим борьбу за

раскрепощение женщин. –Т.: Узбекистан, 1970. –С.101-112; Турсунов П. Мехнаткаш хотин-кизлар дин билан курашда. // Янги йўл. 1931. №2. -16; Абидова Ж. Женщины Узбекистана в борьбе за свою раскрепощение // Революции и национальность. 1936. №3.

10.Максимова. Р. И. Советские женщины – строители коммунизма. Л. : 1960. С.51; В. Бильшай. Решение Женского вопроса в СССР. М.: Политической литература. 1959. с. 203; Б. П. Пальванова эмансипация мусульманки (опыт раскрепощения женщины советского Востока).-М.:Наука. 1982. с.301; Г. М. Громова. Советская Женщина – труженица, мать. М.: В И С П С. 1963. с. 62.

11.Сулаймонова Х, Мельникова Т, Ершова Е, Тожиева Ж. Ўзбекистон хотин-кизлари социалистик қурилишда. - Т.:Ўздавнашр. 1955, Б. 51; Оқилов К, Аббасова Л. Ўзбекистон хотин-кизлари маданият қурилишда -Т.: Фан. 1976. -Б.59.

12. Қориниёзов. Т. Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. -Т.: фан. 1956. Б.510.

13.Алимова Д. Хотин-Қизлар ҳаёти адабиётларда. -Т.: Ўзбекистон. 1984. Б.24.

14.Горшунова О. В. Узбекская женщина социальный статус. Семья. Религия. М.: 2008. с.325; Джалилов. А. Из истории положения женщин Средней Азии до и после распространения ислама. Д.: Ир фон. 1974. с. 44.

15.Ислам и женщины востока (История и современность) -Т.: Фан. 1990. с. 251.

16.Женщины Востока. -Т.: Фан. 1977. с.153

17.Найдуллаева Р. Крума Р редакторлигида Женщина независимого Узбекистана. (соц.исслед.) -Т: 2004, с.295

18.Раскрепощение женщины С А и Казахстана (из материалов научной конференции 1970 г 26-27 октября). Ашхабад . 1972, с.154; Аёл жамияти маданият тараққиётида (халқаро семинар, 2006, 4-5 апрел Тошкент) т.: 2006, Б.121.

19.Васикова М. Правовое положение женщин советского Узбекистана. -Т.: Узбекистан. 1981. с.146.

20.Сулайманова Х. Ўзбек хотин-қизлари коммунистик қурилишнинг қатнашчилари.Т.: фан. 1955. Б-40; Рахимбобоева .З. Ўзбек хотин-қизлари коммунизм йўлида. -Т.: Ўздавнашр. 1949. -Б.89; Содиқова В. Ўзбекистоннинг озод хотин-қизлари. -Т.:1950,-Б.50

21.Шукурова Х. Коммунистическая партия Узбекистана в борьбе за раскрепощение женщин (1924-1929гг). Т.: Госиздот.1961. с.149 ; Социализм и женщина Узбекистана. -Т.: Ўзбекистон. 1970. с.364; Аминова. Р. Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. -Т.: Фан. 1972, с.354; Ахунова . М. Национальный аспект решения женского вопроса в СССР. Т.: Фан,1978. С. 206.

22.Алимова. Д. А. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы.-Т.: Фан. 1991-133 с; Алимова. Д.А. Хужумга зарурият бормиди ? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати-1992,11 сентябр; Алимова Д.А. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва муаммолари //Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва тендор муаммолари.-Т. Фан.1999. Б.16-20.

23.Аминова. Р.Х. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишининг муаммолари.-Т.: фан.1991. Б.10-11.

24.Алимова Д. А. Женский вопрос в Средней Азии история изучения и современные проблемы. –Т.: Фан, 1991.-С.133.

25.Эргашходжаева Г.Э. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-годы (литература 50-80-х годов). Автореф. дисс. к.и.н. Т.: ТашГУ.1996-22; Нишонбаева. К.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. Автореф. дисс. кан. ист. наук. -Т.: Ўзр ФА Тарих инсти-1998-28с; Ражабова. Д. Н. Проблемы молодёжи женщин в воззрениях Джадидов Туркестана (конец XIX- начало XX вв.). Автореф. дисс.кан. ист. Наук. -Т.: ЎзР ФА тарих институти. 2003.-27с ; Муравъёв Н.М. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин. Автореф. дисс.кан. фил. наук.-Т.: Институт философии и права АН РУз.-26с ; Холматова М. Х. Оилавий муносабатлар ва соғлом авлод тарбияси.-Т.: Ўзбекистон. 2000; Алимова. Д.А. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20-80гг) Автореф дисс.кан. ист. наук. -Т.: ЎзР ФА тарих институти. 1991.-45с; Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашув жараёнининг фалсафий тахлили. Автореф. дисс.ф.н.-Т.: ТошДУ. 2000.-20с; Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. Дисс. Д-ра юрид. наук.-Т.: ТДЮИ.2002-41с; Ганиева. Г.Ж. Женский вопрос в Узбекистане новые подходы, проблемы и решения (1991-2005гг). Автореф. дисс. кан. ист. наук –Т.: ЎзРФА Тарих институти. 2006-26с ; Жўраева. Н.Д. Ўзбекистонинг ижтимоий –иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларни ўрни (XX асрнинг 20-30 йй). Автореф. дисс.кан. ист. наук. -Т. : ТашГУ 3.с ; Абдурахимова Ф.Ю. Махаллада қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлашнинг педагогик асослари. Автореф. дисс. п.н.-Т.: Т.Н. Қори Ниёзий. Ном.Ўз Пед. Фан. ил. Так. Институти 2007. 23.с.

26.Абдуллаева Я. А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари-Т.: Ижод дунёси. 2004-224г; Ўша муаллиф. Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятининг мажбурий колхозлаштириш сиёсати ва қишлоқ аёлларининг қатоғон қилиниши. // Ўзбекистон тарихи. 2002. №2. Б 40-45. Ўша муаллиф. Мустабид совет тузуми

инқирозининг айрим сабаблари ва унинг хотин-қизлар аҳволига таъсири. (Қорақалпоғистон мисолида) // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2004.№1 Б.42-45; Ўша муалиф. Топталган ҳуқуқ ёки мустабид тузум қатағонлари //ҳаётва қонун.2004.№2.Б58-59; Ўша муалиф. Эътиқодга хуруж!! Тафаккур.2004. №2 Б 90-92.

27.Тохтаходжаев М. Между лозунгами коммунизма и законами ислама.- Вена, 2000; Тўхтаҳўжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. Ўзбекистонда жамиятнинг исломга қайтиши ва хотин-қизлар аҳволи. Вена-Т.: Худудий дастур идораси. 2002.-Б.19

28. Мирзалиев Э. Ю. Базарова М. Т. Наманганинг XIX аср охири XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши. Наманган. 1998. Б.56; Хайитбоев Э. Заркент ёхуд фарғона водийси тарихидан лавҳалар. Т.: Шарқ. 2009. Б.158 ; Ю.Қирғизбоев, Т. Акрамов. Бир ўлкаки... Наманган, 1996. Б221.

29.Файзуллаев Т. Расулов. А .Н. муҳар. Наманган тарихидан лавҳалар. Наманган. 2010. Б.157.

30.Юсупов И. Ю. Мирзалиев Э. Ю. Наманган шаҳар тарихидан лавҳалар. Наманган. 2010.Б,110.